| | | | |
|---|---|---|---|
| **O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis deputatlari** | | | |
| 1. | **Jumaniyozov Kamol Komilovich** (JK raisi) | O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis deputati | xorazm_eko2013@mail.ru |
| 2. | **Kusherbaev Rasul Xidralievich** | O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis deputati | |
| **Vazirlik va idoralar** | | | |
| 3. | **Kamilova Umida Kabirovna** | Respublika ixtisoslashtirilgan terapiya va tibbiy reabilitatsiya ilmiy-amaliy markazi direktorining ilmiy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari, Xalq deputatlari Toshkent shahar kengashi deputati | |
| **Oliy o‘quv yurtlari** | | | |
| 4. | **Usmonov Botir Shukurillaevich** | Toshkent kimyo-texnologiya instituti rektori | |
| 5. | **Mustafakulov Sherzod Egamberdievich** | Qo‘qon universiteti rektori | mustafaqulov_sh@mail.ru |
| 6. | **Allaberdiev Rustamjon Xamraevich** | Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti Ekologiya fakulteti dekani | |
| **Nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari** | | | |
| 7. | **Shivaldova Natalya Sergeevna** (JK raisining o‘rinbosari) | «Ekomaktab» NNT direktori | nshivaldova@mail.ru |
| 8. | **Mirzaev Aziz** | «Meros» NNT | azizmirzaev@mail.ru |
| 9. | **Tursunbaeva Saodat Gafurovna** | «Sharq ayoli» NNT raisi, Xalq deputatlari Toshkent viloyati kengashi deputati | |
| 10. | **Sokolov Vadim Ilich** | Orolni qutqarish xalqaro fondi (OQXF) loyiha rahbari | vadim_sokol@mail.ru info@aral.uz |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 11. | **Volkov Aleksey Vladimirovich** | GEF Kichik grantlar dasturi | alexey.volkov@undp.org |
| 12. | **Nikadambaev Xamid Kamalbekovich** | O‘zbekiston asalarichilar uyushmasi | 1955@bk.ru |
| 13. | **Raximova Nadira Shaxabutdinovna** | «Hadid International Services» representative in Uzbekistan | nora.rakhimova@hadid.aero |
| **OAV vakillari va faol blogerlar** | | | |
| 14. | **Kosimova Nargis Sunnat kizi** | Ekologik jurnalist, «EKOLOG.UZ» sayti bosh muharriri, filologiya fanlari doktori | https://t.me/eklguz_bot |
| 15. | **Safarov Ilyos Ixtierovich** | «KUN.UZ» | |
| 16. | **Berdiev Xusniddin Zayniddinovich** | «Oila va tabiat» gazetasi bosh muxarriri | |
| 17. | **Muxtoraliev Saidali** | «YURISTKADR» asoschisi, yurist | |
| **Biznes–tuzilma, bank** | | | |
| 18. | **Ruzmetova Dilfuza Palvannazarovna** | Carrefour O‘zbekiston | druzmetova@mafcarrefour.com |
| 19. | **Sultonmuradov Bobur** | «O‘zsanoatqurilishbank» ATB | |
| 20. | **Yusupova Saida Savranovna** | «Green Business Innovation» MChJ | |
| **Mehnat faxriylar va boshqalar** | | | |
| 21. | **Tillaev Timur Sagdullaevich** | Mehnat faxriysi, Qo‘mita sobiq yuristi | tillyaevts@gmail.com |
| 22. | **Esipov Aleksandr Viktorovich** | Biolog, zoolog, olim | |
| 23. | **Джалилова Зухра** | Jamoatchilik kengashi kotibi | |

*(2022 yil 1 aprel holatiga ko‘ra ma’lumot)*

**Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ (8,3 фоиз)** | | |
| 1. | Расул Кушербаев Хидралйевич | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати |
| 2. | Жуманиёзов Камол Комилович | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати |
| **ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР (4,1 фоиз)** | | |
| 3. | Камилова Умида Кабировна | Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати |
| **ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ (12,5 фоиз)** | | |
| 4. | Ботир Усмонов Шукрллаевич | Тошкент кимё-технология институти ректори Ўқув ишлари бўйича проректор |
| 5. | Шерзод Мустафакулов Эгамбердиевич ZOOM | Қўқон университети ректори |
| 6. | Рустамжон Аллабердиев Хамраевич | Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Экология факультети декани |
| **НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ (29,1 фоиз)** | | |
| 7. | Шивалдова Наталья Сергеевна | “Ekomaktab” ННТ директори |
| 8. | Азиз Мирзаев | “Мерос” ННТ |
| 9. | Турсунбаева Саодат Гафуровна | “Шарқ аёли” ННТ раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати |
| 10. | Соколов Вадим Ильич | Оролни қутқариш халқаро фонди (ОҚХФ) лойиҳа раҳбари |
| 11. | Алексей Волков Владимирович | ГЭФ Кичик грантлар дастури |
| 12. | Никадамбаев Хамид Камалбекович | Асаларичилар ассоциацияси |

| | | |
|---|---|---|
| 13. | Рахимова Надира Шахабутдиновна | «Hadid International Services» representative in Uzbekistan |
| **ОАВ ВАКИЛЛАРИ ВА ФАОЛ БЛОГЕРЛАР (20,8 фоиз)** | | |
| 14. | Косимова Наргис Суннат кизи | ekolog.uz сайти бош муҳаррири, филология фанлари доктори |
| 15. | Илёс Сафаров Ихтиерович | Кун.уз |
| | | |
| 16. | Бердиев Хусниддин Зайниддинович | “Оила ва табиат” газетаси бош мухаррири |
| 17. | Мухторалиев Саидали | https://t.me/yuristkadr асосчиси, юрист |
| **БИЗНЕС – ТУЗИЛМА, БАНК (12,5 фоиз)** | | |
| 18. | Дилфуза Рузметова Палванназаровна | Carrefour Ўзбекистон |
| 19. | Бобур Султонмурадов | “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ |
| 20. | Саида Юсупова Саврановна | “Green Business Innovation” МЧЖ |
| **МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАР ВА БОШҚАЛАР (12,5 фоиз)** | | |
| 21. | Тимур Тиллаев Сагдуллаевич | Қўмита собиқ юристи |
| 22. | Есипов Александр Викторович | Биолог, зоолог, олим |
| 23. | Джалилова Зухра | Котиб |

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари,**
**Ишчи гуруҳ раҳбари**

__________ **Ж.Казбеков**

“18” январь **2022 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳ йиғилишининг**
**БАЁНИ**

2022 йил 18 январь
Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи - Жусипбек Казбеков,** Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари.

**Иштирок этганлар:** Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

| | |
|---|---|
| Вохиджон Хайитбоев | Давлат экология қўмитаси бошқарма бошлиғи– Ишчи гуруҳ аъзоси |
| Наталья Шивалдова | “Экомактаб” ННТ директори – Ишчи гуруҳ аъзоси |
| Наргис Қосимова | ekolog.uz сайти бош муҳаррири, филология фанлари доктори |
| Анвар Темиров | Давлат экология қўмитаси бошқарма бошлиғи– Ишчи гуруҳ аъзоси |
| Севара Давлатова | Давлат экология қўмитаси Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими бош мутахассиси – Ишчи гуруҳ котиби |

**КУН ТАРТИБИ**

1. **Ишчи гуруҳ котибининг Жамоатчилик кенгашига аъзо бўлиш тўғрисида келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглаш.**
2. **Барча келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш.**
3. **Ҳар бир номзодга овоз бериш.**

1.Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 13 декабрдаги 12-сон буйруғи билан Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Биринчи боскичда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳит соҳасида фаол фаолият юритаётган фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти, бизнес-тузилма вакиллари ва бошқаларни кенг жалб этиш мақсадида Қўмита расмий-веб-сайти (http://eco.gov.uz/ru/site/news?id=2322, http://eco.gov.uz/yz/site/news?id=2322 ), ижтимоий тармоқлардаги расмий сахифалари ва бошқа ижтимой тармоқларга эълон бериб, аризалар 12 январга қадар қабул қилинди.

2. ecosovet@eco.gov.uz электрон почтасига жами 31 та мурожаат келиб тушган. Ишчи гуруҳ аъзолари Танлов жараёнида қуйидаги мезонларга асосий эътибор қаратилди:

атроф-муҳит соҳасига жалб этилганлиги ва фаол ҳаракат қилаётганлиги;

фаол ташаббуслар;

соҳадаги илмий фаолият;

ННТ ва бизнес-тузилма фаолияти, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги иштироки;

ўзаро ҳамкорликка очиқ бўлиш;

соҳа жонкуяри ва бошқалар.

3.Номзодларга овоз бериш.

| **Т/р** | **Ф.И.Ш.** | **Ишлаш жойи** | **Овоз берувчилар** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Ж.Казбеков** | **Н.Шивалдова** | **Н.Қосимова** | **В.Хайтбоев** | **А.Темиров** |
| 1. | Шивалдова Наталья Сергеевна | "Ekomaktab" директори | ха | ха | ха | ха | ха |
| 2. | Суна Парк | "SVB advisory" | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 3. | Азиз Мирзаев | "Мерос" | ха | ха | ха | ха | ха |
| 4. | Саодат Турсунбаева | "Шарк аёли" халкаро аёллар жамоат фонди раиси | ха | ха | ха | ха | ха |
| 5. | Вадим Соколов | Оролни қутқариш халқаро фонди (МФСА) лойиҳа раҳбари | ха | ха | ха | ха | ха |
| 6. | Камилова Умида Кабировна | Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари | ха | ха | ха | ха | ха |
| 7. | Косимова Наргис Суннат кизи | ekolog.uz сайти бош муҳаррири, филология фанлари доктори | ха | ха | ха | ха | ха |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Бердиев Хусниддин | “Оила ва табиат” газетаси бош мухаррири | ха | ха | ха | ха | ха |
| 9. | Расул Кушербаев | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати | ха | ха | ха | ха | ха |
| 10. | Бобур Акмалов | Кун.уз | ха | ха | ха | ха | ха |
| 11. | Илёс Сафаров | | ха | ха | ха | ха | ха |
| 12. | Тимур Тиллаев | Қўмита собиқ юристи | ха | ха | ха | ха | ха |
| 13. | Усмонов Ботир Шукуриллаевич | Тошкент кимё-технология институти ректори | ха | ха | ха | ха | ха |
| 14. | Шерзод Мустафакулов | Қўқон университети ректори | ха | ха | ха | ха | ха |
| 15. | Рустамжон Аллабердиев | Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Экология факультети декани | ха | ха | ха | ха | ха |
| 16. | Алексей Волков | ГЭФ Кичик грантлар дастури | ха | ха | ха | ха | ха |
| 17. | Саидали Мухторалиев | Блогер | ха | ха | ха | ха | ха |
| 18. | Дилфуза Рузметова | Carrefour Ўзбекистон | ха | ха | ха | ха | ха |
| 19. | Бобур Султонмурадов | “Ўзсаноаткурилишбанк” АТБ | ха | ха | ха | ха | ха |
| 20. | Нодира Рахимова | Hadid International Services Uzbekistan | ха | ха | ха | ха | ха |
| 21. | Саида Юсупова | Green Business Tech - Climate Launch Pad | ха | ха | ха | ха | ха |
| 22. | Елена Алексеева | Ўзбекистон Экологик партия аъзоси | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 23. | Жуманиёзов Камол | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати | ха | ха | ха | ха | ха |
| 24. | Маматрахимов Икболжон | Ўзбекистон Экологик партия аъзоси. “Sanoat Energetika Guruhi” ХК МЧЖ эколог | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 25. | Ахметжанов Фуркатжон | Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент вилояти раиси | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 26. | Диера Шарипова | Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 27. | Шахов Владимир | Ўзбекистон Экологик партия аъзоси | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 28. | Есипов Александр | Биолог, зоолог, олим | ха | ха | ха | ха | ха |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 29. | Шодиер Азизов | Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар бирлашмаси | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 30. | Кенжабоев Одилжон | Тадбиркор, “Lanextrakt” ҚК директори | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ |
| 31. | Никадамбаев Хамид | ИИВ нафақада, Асаларичилик бўйича қишлоқ хўжалиги номзоди | ха | ха | ха | ха | ха |
| | | | | | | | |

**Суна Парк** - Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлиги учун бир овоздан розилик берилмади.
**Елена Алексеева** - Зарур маълумотлар тақдим этилиши юзасидан телефон орқали бир неча маротаба боғланилганда алоқага чиқмади, смс хабарга жавоб бермаганлиги сабабли рад этилди.
**Маматрахимов Иқболжон** - Ишчи гуруҳ томонидан ижтимоий тармоқларда фаол эмаслиги, ташаббусларни мавжуд эмаслиги сабабли бир овоздан рад этилди.
**Ахметжанов Фурқатжон** - Ўзбекистон экологик партиясининг Тошкент вилоятидаги раҳбари сифатида фаол эмаслиги сабабли бир овоздан рад этилди.
**Диера Шарипова** - мазкур номзод Қўмита ҳузуридаги аввалги таркибда бўлганлиги, шунингдек, фаол ташаббуслар кўрсатмаганлиги сабабли бир овоздан рад этилди.
**Шахов Владимир** - Ишчи гуруҳ томонидан ижтимоий тармоқларда фаол эмаслиги, ташаббусларни мавжуд эмаслиги сабабли бир овоздан рад этилди.
**Шодиер Азизов** - манфаатлар тўқнашуви, ов масаласи экология, хусусан, биологик хилма-хилликни сақлашга зид бўлганлиги сабабли бир овоздан рад этилди.
**Кенжабоев Одилжон** - манфаатлар тўқнашуви, қизилмия экстракти экология, хусусан, биологик хилма-хилликни сақлашга зид бўлганлиги сабабли бир овоздан рад этилди.

**Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини шакллантириш бўйича ишчи гурух кун тартибида белгиланган масалалар юзасидан келишган ҳолда**
**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Ишчи гуруҳ котибининг Жамоатчилик кенгашига аъзо бўлиш тўғрисида келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш.
2. Сараланган **23 та номзодни** навбатдан ташқари ўтказиладиган Жамоатчилик кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишига тақдим этиш.
3. Жамоатчилик кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишини 2022 йил 20 январь куни ўтказиш.

Вохиджон Хайитбоев — Ишчи гуруҳ аъзоси

Наталья Шивалдова — Ишчи гуруҳ аъзоси

Наргис Қосимова — Ишчи гуруҳ аъзоси

Анвар Темиров — Ишчи гуруҳ аъзоси

Севара Давлатова — Ишчи гуруҳ котиби

# Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши

# БАЁННОМАСИ

**(офлайн ва онлайн шаклида)**

**2022 йил 20 январь** **Тошкент шаҳри**

**Раислик этувчи:** Н. Обломурадов

**Йиғилиш котиби:** С. Давлатова

**Иштирокчилар:** Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, олий таълим муассасаси профессор, ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳар бошқармалари ва тизим ташкилотлари ходимлари, ОАВлар жами - 200 нафар (Жамоатчилик кенгаши аъзолари 24 нафар).

Дастлаб, Жамоатчилик кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишига раислик қилувчи ва йиғилиш котиби сайлаб олинди.

**Йиғилишга раислик этувчи:**

**Обломурадов Нарзулло Наимович** – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси;

**Йиғилишга котиблик қилувчи:**

**Севара Давлатова Отаназаровна** – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси;

**Жамоатчилик кенгаши йиғилиши кун тартиби:**

1. Қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини шакллантириш бўйича Ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи.
2. Ишчи гуруҳ томонидан таклиф этилаётган жамоатчилик кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
3. Янги жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари ҳамда котибини сайлаш тўғрисида.
4. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислоҳотлар ҳамда 2021 йил 30 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини

жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 46-сон Фармони, "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 76-сон қарори билан белгиланган устувор вазифалар тўғрисида. (*Қўмита ҳудудий бошқармалари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар раҳбарлари онлайн боғланадилар*).

5. 2022 йил учун Кенгаш иш режасига таклифлар ишлаб чиқиш тўғрисида.

**Йиғилиш кун тартибидаги масалалар муҳокамаси:**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан раислик этувчи Н. Обломурадов Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги қайтадан ташкил этилган жамоатчилик кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини шакллантириш бўйича ташкил этилган Ишчи гуруҳ фаолияга алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ишчи гуруҳи рахбари Ж.Казбековга берди.

Ж.Казбеков томонидан маълумотлар бериб ўтилди. Унга кўра Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 13 декабрдаги 12-сон буйруғи билан ишчи гуруҳ ташкил этилиб, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳит соҳасида фаол фаолият юритаётган фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти, бизнес-тузилма вакиллари ва бошқаларни кенг жалб этиш мақсадида Қўмита расмий-веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги расмий сахифалари ва бошқа ижтимой тармоқларга эълон бериб, аризалар 12 январга қадар қабул қилинди. Ишчи гуруҳ томонидан жами **32 нафар** вакил кўриб чиқилиб, **24 нафар** аъзо танлаб олинди. Танлаб олинган **24 нафар** аъзонинг 29,1 фоизини ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти вакиллари, 20,8 фоизи ОАВ вакиллари ва блогерлар, 12,5 фоизи Олий ўқув юртлари, 12,5 фоизи бизнес –тузилма ва банк вакиллари, 8,3 фоизи Олий Мажлис депутатлари, 12,5 фоиз меҳнат фахрийлари ҳамда ва бошқалар ҳамда 4,1 фоиз вазирлик ва идора вакиллари ташкил этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан ишчи гуруҳи аъзолари муносабат билдиришди.

Ушбу масала бўйича қарор лойиҳаси ўқиб эшиттирилди.

Қарор овозга қўйилди.

**"Қаршилар", "Бетарафлар" йўқ.**

**Ишчи гуруҳи хисоботи бир овоздан қабул қилинди.**

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Давлат экология қўмитаси раисининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари Казбеков Жусипбек Сдикбекович маълумот берди.

Ж.Казбеков Расул Кушербаев Хидралиевич, Жуманиёзов Камол Комилович, Камилова Умида Кабировна, Ботир Усмонов Шукрллаевич, Шерзод Мустафакулов Эгамбердиевич, Рустамжон Аллабердиев Хамраевич, Шивалдова Наталья Сергеевна, Азиз Мирзаев, Турсунбаева Саодат Гафуровна, Соколов Вадим Ильич, Алексей Волков Владимирович, Никадамбаев Хамид Камалбекович, Рахимова Надира Шахабутдиновна, Косимова Наргис Суннат кизи, Акмалов Бобур Фозилхон ўғли, Илёс Сафаров Ихтиерович, Бердиев Хусниддин Зайниддинович, Мухторалиев Саидали, Дилфуза Рузметова Палванназаровна, Бобур Султонмурадов, Саида Юсупова Савранoвна, Тимур Тиллаев Сагдуллаевич, Есипов Александр Викторович, Севара Давлатоваларни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги қайтадан ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши аъзоси этиб сайлашни таклиф этди.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Обломурадов, ишчи гуруҳи аъзоси, қўмита бошқарма бошлиғи - В. Хайтбоев, ишчи гуруҳи аъзоси Н.Шивалдова номзодларни қўллаб-кувватлаб фикр билдирди.

Ушбу масала бўйича қарор лойиҳаси ўқиб эшиттирилди.

Қарор овозга қўйилди.

**“Қаршилар”, “Бетарафлар” йўқ. Бир овоздан қабул қилинди.**

**Жамоатчилик кенгаши қайтадан ташкил этилди ва аъзолари 24 нафар аъзолари сайланди.**

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси “Ekomaktab” ННТ директори – Шивалдова Наталья Сергеевна, “yuristkadr” канали асосчиси, эколог, юрист – Саидали Мухторалиев, “Шарқ аёли” ННТ раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати – Турсунбаева Саодат Гафуровна, “ekolog.uz” сайти бош муҳаррири, филология фанлари доктори – Косимова Наргис Суннат кизи қайтадан ташкил этилган жамоатчилик кенгаши раиси лавозимига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари **Жуманиёзов Камол Комилович** номзоди, унинг ўринбосари лавозимига “Ekomaktab” ННТ директори – **Шивалдова Наталья Сергеевна** ва кенгаш котиби лавозимига қўмитанинг Матбуот хизмати мутахассиси – Севара Давлатова номзодлари таклиф этилди.

Учинчи масала юзасидан сўзга чиққан Жамоатчилик кенгаш аъзолари Рустамжон Аллабердиев Хамраевич, Турсунбаева Саодат Гафуровна, Соколов Вадим Ильич, Есипов Александр Викторович, Мухторалиев Саидали, Шерзод Мустафакулов Эгамбердиевич қўллаб-кувватлаб фикр билдирдилар.

Ушбу масала бўйича қарор лойиҳаси ўқиб эшиттирилди.

Қарор овозга қўйилди.

**“Қаршилар”, “Бетарафлар” йўқ. Бир овоздан қабул қилинди.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Обломуродов Нарзулло Наимович маълумот бериб, мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштиришга, шунингдек, дарахт, буталар ва яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш, ушбу соҳада масъул ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида 2021 йилнинг 30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 46-сон Фармони ҳамда “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида” 76-сон қарори қабул қилинганлиги тўғрисида таъкидлади.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ Давлат экология қўмитасига қатор ваколатлар ва шу билан бирга устувор вазифалар белгиланди.

**Биринчидан**, Давлат экология қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Хавфсизлик кенгашининг аъзоси** бўлиши, аввало соҳага бўлган, экологик хавфсизликни таъминлашга бўлган эътибор, ишончдир.

**Иккинчидан**, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш тизимини янги даражага кўтариш мақсадида Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Давлат экология қўмитасининг **“Экологик патруль”** ишлаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди. Хабарингиз бор, ушбу тизим республикамиз бўйича синов тарикасида қўлланилганда ўзининг самрасини берди (*Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоятларидан онлайн маълумот берилди*).

**Учинчидан**, бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси татбиқ этиш. Бунда ҳудудларда **“яшил боғлар”** ва **“яшил жамоат парклари”** ни барпо этиш, **“Яшил макон”** платформасини яратиш ва фаолиятини таъминлаш, ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри таркибида республиканинг барча ҳудудларидаги ва ҳар қандай турдаги дарахтларнинг ҳисобини юритиш ҳамда уларни бириктириш учун **“Дарахтлар реестри”** тизими жорий этилади (*Фарғона-Қува-кўчатхона онлайн маълумот берилди*).

**Тўртинчидан**, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилиб, мораторий талабларини бузганлик учун жазо чоралари кучайтирилди. Хусусан, маъмурий жарималар микдори беш бараварга, дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммалари икки бараварга оширилди.

Ушбу масала соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳамда хамкорлик бўйича қарор лойиҳаси ўқиб эшиттирилди.

Қарор овозга қўйилди.

**“Қаршилар”, “Бетарафлар” йўқ. Бир овоздан қабул қилинди.**

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши раиси **Жуманиёзов Камол Комилович** ҳамда унинг ўринбосари **Шивалдова Наталья Сергеевна** фикрлар бериб ўтди.

Бешинчи масала юзасидан сўзга чиққан жамоатчилик кенгаш аъзолари Расул Кушербаев Хидралиевич, Турсунбаева Саодат Гафуровна, Соколов Вадим Ильич, Есипов Александр Викторович, Мухторалиев Саидали, Шерзод Мустафакулов Эгамбердиевич қўллаб-қувватлаб фикр билдирдилар.

Ушбу масала бўйича қарор лойиҳаси ўқиб эшиттирилди.

Қарор овозга қўйилди.

**“Қаршилар”, “Бетарафлар” йўқ. Бир овоздан қабул қилинди.**

Шунинг билан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги **Жамоатчилик кенгаши ёпиқ** деб эълон қилинди.

**Раислик этувчи** **Н. Обломурадов**

**Йиғилиш котиби** **С. Давлатова**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги**

**Жамоатчилик кенгаши раиси**

**_______ К.Жуманиёзов**

**“25” март 2022 йил**

**Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2022 йил 1-ярим йиллигида амалга ошириладиган тадбирлар**

**РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбир номи | Бажариш муддати | Масъул ижрочи |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳрида қурилиш объектларининг ўралиши ва у ерда дарахтларнинг кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан жамоат кенгаши эшитуви | март | Т. Тиллаев<br>А.Волков<br>Р. Кушербаев<br>Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Ф.Дехконов) |
| 2. | Мамлакатимизда “Яшил йиллик” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили | апрель | К. Жуманиёзов<br>Р. Аллабердиев<br>А. Мирзаев<br>Давлат Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси |
| 3. | Катта қурилиш объектлари, карьерлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига давлат экологик экспертизаси хулосасини бериш тартиби юзасидан жамоатчилик кенгаши эшитуви (жойига чиқиб ўрганиш) | апрель | А.Волков<br>Т. Тиллаев<br>Н. Косимова<br>У. Камилова<br>Давлат экологик экспертиза маркази маркази (Г. Мухамедов) |
| 4. | Мамлакатимиздаги биохилмахилликни асраб авайлаш, қўриқхоналар фаолиятин ўрганиш, мавжуд муаммолар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш | май-июнь | Х. Никадамбаев<br>А. Есипов<br>Н.Рахимова<br>Ш. Мустафакулов |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси (А. Садыков) |
| 5. | Қўриқхоналар ва миллий табиат боғлари ходимларининг Биологик хилма-хилликка нисбатан аҳолининг экологик маданияти ва хабардорлиги даражасини ошириш мақсадида олиб борилган ишлар бўйича йиғилиш. (Муаммоларни муҳокама қилиш, таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш). | май | Н. Шивалдова<br>А. Есипов<br>Х. Никадамбаев<br>Н.Касымова<br>Н.Рахимова<br>Ш. Мустафакулов<br>Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси (А. Садыков) |
| 6. | Ахолини экологик маданиятини ошириш борасида Давлат Экология қўмитасининг ОАВ ва ННТлар билан хамкорлиги | май | Н. Шивалдова<br>Н. Рахимова<br>Н. Касимова<br>А. Волков<br>Х. Бердиев<br>Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ бўлими (Б. Абдуллаев) |
| 7. | Давлат экология қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш, Қизил китобга киритилган ўсимликларни саклаш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳудудлар кесимида ўрганиш | июнь | А. Есипов.<br>Р. Кушербаев<br>Т. Тиллаев<br>Н. Касымова<br>Р. Аллабердиев<br>Эксперты из НИИ Зоологии и НИИ Ботаники.<br>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (И.Тагаев)<br>Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси (А. Садыков) |